

# ФЕРМЕРЛАРНИНГ КЎМАКДОШИ

***Риштон туманида 253 та фермер хўжалиги пахта ва ғалла етиштиришга ихтисослашган бўлиб, муҳим агротехник тадбирларни амалга оширишда уларга «Агротехсервис» машина-трактор парки яқиндан кўмаклашиб келаётир.***

Баҳор мавсуми олдидан машина-трактор паркининг култиватор, сеялка, чопиқ тракторлари ва бошқа техникалар пухта таъмирдан чиқарилди. Қатор эҳтиёт қисмлари корхонанинг ўзида ишлаб чиқарилаётгани таъмирлаш ишларини тез ва сифатли якунлаш имконини бермоқда.

***Суратда:** Риштон тумани «Агротехсервис» машина-трактор парки масъулияти чекланган жамияти механизатори Раҳмат Шокиров.*

**Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат**

Касаба уюшма ҳаёти

***Толиб Набиев меҳнати билан қадр топган инсон. У «Мароқанд нефт база» унитар корхонаси темир йўл цехида машинист вазифасида хизмат қилади. Интизомли ходим. Аммо ишда ҳар қанча чапдаст бўлма, саломатликда кемтиклик бўлса қийин экан. Бинойидек ишлаб юрган Толиб ака техникани жиловлашда кўзи панд бераётганини ҳис эта бошлади. Тақдирга тан беришдан ўзга илож йўқ. У минг истиҳолада кўнглидан кечаётган ўйларни корхона раҳбари Илҳом Аллаёровга етказди. Очиғи, у бошқа бир юмуш сўрашни ҳам кўнглига тугиб қўйганди. Тавсия этилган ҳар қандай ишни қабул қилишга ўзини тайёрлаган эди. Аммо раҳбарнинг бир оғиз гапидан қалбида умид учқунлари порлади.***

# ҚАДР ТОПГАНГА НЕ ЕТСИН!

— Нафақат сиз, корхонамизда меҳнат қилаётган 545 нафар ходим тақдирига масъулмиз. Касаба уюшма ташкилоти билан сизга ёрдам қилиш ҳақида бир фикрлашиб олайлик, — деди раҳбар. — Сиз эса шифокорларга кўриниб, даъволаниш чорасини изланг. Биз ҳам қараб турмаймиз.

Шифокорлар мураккаб жарроҳлик операциясидан сўнг кўриш қобилияти тўла тикланиб кетишини айтса-да, Толиб акани бир андиша ҳеч тарк этмади. Жарроҳлик амалиёти учун каттагина харажат талаб этиларкан. Жўжабирдек жон. Аммо саломатлик ҳам керак. Текширувда тилга олинган маблағни раҳбарга етказишга ийманди. Бошланғич касаба уюшма ташкилоти етакчиси Гулноз Нажмиддинова дил ёрди.

— Сиз сиқилманг, — деди бошланғич ташкилот раиси. — Жамоа шартномасида ходимлар саломатлигига доир бандлар ҳам мавжуд. Шу чоққача тўрт нафар ходимга ёрдам кўрсатдик. Сиз бу масалада мурожаат қилаётганларнинг бешинчиси бўлдингиз. Хавотир олманг.

Корхона маъмурияти ва бошланғич касаба уюшма ташкилоти айтган сўзининг устидан чиқди. Корхона ҳисобидан жарроҳлик амалиёти учун кетган маблағнинг бир қисми тўлаб берилди. Кўриш қобилияти тўла тикланган Т.Набиев ўз иш ўрнига қайтди.

Одатда инсон ўз қадрини топган корхонага бошқача кўз билан қарайди. Меҳри ҳам, садоқати ҳам шунга яраша бўлади. Корхона меҳнаткашлари ўртасида ана шундай кайфият устувор. Бу, аввамбор, жамоа шартномаси ижроси тўла таъминланаётганидан. Ўтган йилда ҳар бир ходим жамоа шартномаси орқали даромадларига қўшимча равишда 2083,2 минг сўмдан маблағ эгасига айланишди.

Кам таъминланган ходимларнинг олий ўқув юртларида таълим олаётган фарзандларига тўлов контракт пулларининг бир қисми, аниқроғи, 12 миллион 60 минг сўм миқдордаги маблағ тўлаб берилди. Жамоада меҳнат қилаётган 33 нафар аёл учун қатор имтиёзлар жорий этилган. Қисқартирилган иш вақти, фарзанд тарбияси учун қўшимча таътил, ёш оилаларга ёрдам, хуллас, меъёрий ҳужжатда акс этган барча имтиёзлардан улар баҳраманд.

Мамлакатимизда замонавий лойиҳа асосида қурилаётган янги уй-жойларга ҳавас қиласиз. Бу борада ҳам «Мароқанд нефт база» УК маъмурияти ва бошланғич касаба уюшма ташкилоти ходимларга зарур ёрдамни кўрсатмоқда. Хусусан, шу чоққача Тойлоқ туманидаги «Маданият» ва «Ворсин» қишлоқларида бунёд этилаётган уй-жойлар билан таъминланган 6 кишига илк бадални тўлашда кўмаклашиш мақсадида 25 млн. сўмдан моддий ёрдам кўрсатилди.

Жамоа шартномасида кўзда тутилганидек 490 нафар ходим бепул тиббий кўрикдан ўтказилди. Касаба уюшмаси 5 нафар, маъмурият эса 8 нафар ишчини республикамиздаги сиҳатгоҳларда дам олишини ташкил этди. 85 нафар меҳнаткашлар фарзандлари тўлалигича маъмурият ва касаба уюшма маблағлари ҳисобидан «Золатинка» оромгоҳида дам олдирилди. 45 нафар ходимнинг Бухоро шаҳрига саёҳати уюштирилди. Соҳада ишлаб, ҳозирда нафақада бўлган 13 нафар фахрий, 5 нафар байналмилалчи жангчига кўмак кўрсатиб келинади. Касаба уюшмаси эса Самарқанд шаҳридаги 61-мактаб интернати тарбияланувчиларини байрам совғалари билан хушнуд этмоқда.

**Нурилла ШАМСИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

Бошланғичда нима гап?

***Ўзбекистон Миллий университети республикамиздаги нуфузли олий таълим муассасаларидан. Ҳозирда бу даргоҳда 13 факултет мавжуд бўлиб, 10 мингдан ортиқ талаба ва магистрант таҳсил олмоқда. Уларга 1180 нафар профессор-ўқитувчи таълим бермоқда. 45 бакалавриат таълим йўналиши ва 100 дан ортиқ магистратура мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилган.***

# ЖАМОА ШАРТНОМАСИ ПУХТА ТУЗИЛСА



Университет кутубхонасида 3 млн.дан ортиқ ўзбек ва хорижий тиллардаги адабиётлар мавжуд.

Маъмурият билан касаба уюшма қўмитаси ўртасида тузилган жамоа шартномаси асосида ўқитувчи-ходимлар ва талабаларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатлари ҳимоя қилинмоқда.

— Касаба уюшма аъзоларининг саломатлигини мустаҳкамлаш, маданий-маърифий, спорт-соғломлаштириш ишлари ҳамда тарихий масканларга саёҳатлар уюштириш доимий диққат марказимизда, — дейди ЎзМУ ходимлар касаба уюшма қўмитаси раиси Нўъмон Мамадалиев. — Таълим тизимида янги ютуқларга эришаётган ҳамда жамоат ишларида фаол ходимларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтган йили 6 млн. сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

Шунингдек, университетда узоқ йиллардан бери самарали фаолият кўрсатиб келаётган 30 нафардан зиёд профессор-ўқитувчи ҳамда фахрий устозларнинг юбилей ёшини нишонлаш учун касаба уюшма қўмитаси томонидан муайян тадбирлар амалга оширилди.

Ёш олимларга чет эл тажрибаларини ўрганиши учун кенг имконият яратилган. Жумладан, уларнинг халқаро конференция, илмий семинарларда иштирок этиб, маърузалар билан қатнашиши, мақола ва маъруза-тезисларини чоп этиши, ривожланган мамлакатлар ўқув тизими ҳамда замонавий технологиялар тўғрисида ахборотлар олиши оддий ҳол бўлиб қолди.

Ижтимоий ҳимояга молик ходим ва талабаларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор кўрсатилаяпти. Хусусан, ўтган йили уларга 4 млн. 576 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Шу билан бирга, касаба уюшма қўмитаси ҳисобидан 400 нафардан ортиқ ходимга кўмак сифатида 17 млн. сўмдан ортиқ маблағ берилди.



Профессор-ўқитувчилар, талабаларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш мақсадида давра суҳбатлари, учрашувлар, гиёҳвандлик ва ОИТСнинг салбий оқибатларига бағишланган тадбирлар ўтказилди.

80 нафар профессор-ўқитувчи ва талабаларнинг Самарқанд шаҳрига саёҳати уюштирилди. Бунга касаба уюшма қўмитаси ҳисобидан 5 млн. сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

Байрамларни нишонлаш, маданий ва оммабоп тадбирларни ўтказишга касаба уюшма қўмитаси ҳисобидан 24 млн. сўм йўналтирилди.

Мустақиллик байрами, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун, Халқаро хотин-қизлар, Хотира ва қадрлаш куни ҳамда университет ташкил этилганига 94 йил тўлиши муносабати билан волейбол, сузиш, шахмат, шашка, стол теннис мусобақалари ўтказилди.

Бир сўз билан айтганда, таълим масканида жамоа шартномаси бандлари ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Университетнинг «Чорвоқ» ва «Оқсоқ-ота» сой ўқув дала базасида амалиёт ўтайдиган талабалар ва уларга раҳбарлик қилган ўқитувчилар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Ўқув даргоҳининг Бўстонлиқ тумани Бештут маҳалласи ҳудудидаги амалиёт базасида ёзги соғломлаштириш оромгоҳи ташкил этилган. Ўтган йили ушбу оромгоҳда университетнинг 380 дан зиёд ўқитувчи-ходимлари ва уларнинг фарзандлари дам олдилар.

**Жамшид ЭРГАШЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

# ИШОНЧГА ЯРАША

***Чироқчи туманидаги 1-ўрта умумтаълим мактаби энг кекса таълим муассасаларидан.***

***2012 йилда мактабга янги касабақўм сайланди. Тасвирий санъат ва чизмачилик фани ўқитувчиси, чорак асрдан буён ўғил-қизларга бор меҳрини, билим ва тажрибасини улашиб келаётган Абдуалим Ҳаққуловга жамоа бир овоздан ишонч билдирди.***

Янги раис енг шимариб иш бошлади. Бошқача бўлиши ҳам мумкинмасди-да ахир. Чунки тумандаги фаолияти намунали ташкил этилиши белгиланган ташкилотга барчанинг назари қаратилган эди. Мактаб маъмурияти (директори Азамат Баҳромов) томонидан қўмита учун хона ажратилиб, таъмирланди. Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Чироқчи туман кенгаши кўмагида барча зарур жиҳоз ва меъёрий ҳужжатлар билан таъминланди.

Замонавий компютер келтирилиб, интернет тармоғига уланди. Ҳужжатлар номенклатураси шакллантирилди.

Энг муҳими, бошланғич касаба уюшма қўмитаси фаолият бошиданоқ ходимлар ижтимоий ҳимоясини кучайтириш мақсадида ташаббускорлик ва изланувчанлик йўлидан борди. Бу ўзгаришлар ходимларни ҳам бефарқ қолдирмади. Улар ўзларини қизиқтирган саволлар билан касабақўм ҳузурига тез-тез кирадиган, Абдуалим ака эса қўлидан келган ёрдамини аямайдиган самимий муҳит юзага келди.

Педагоглик ўзига хос мураккаб жиҳатларга эга. Шу боис, сиҳатгоҳларга йўлланма сўровчилар кўп. Тарих фани ўқитувчиси Райҳон Давронова, бошланғич синф муаллимаси Раҳима Расулова, физика фани мутахассиси Ҳаким Қаюмов таътил даврида сиҳатгоҳларда ўз саломатликларини тиклашди. 4 нафар ўғил-қиз оромгоҳда ҳордиқ чиқарди.

— Мактабимизда 100 нафардан ошиқ педагог ишлайди, — дейди касабақўм. — Ходимларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун улар ўртасида футбол, волейбол, шахмат машғулотларини йўлга қўйганмиз. Муҳими, жамоа аҳил ва якдил. Ўқувчиларимиз орасида ҳам иқтидорли ўғил-қизлар кўпчиликни ташкил этади.

— Абдуалим акадаги меҳнатсеварликни алоҳида таъкидлаган бўлардим, — дейди тармоқ касаба уюшмаси Чироқчи туман кенгаши ташкилий ишлар мутахассиси Худойберди Усмонов. — Белгиланган тадбирларни вақтида ўтказишга ҳаракат қилади, ўз устида тинимсиз ишлайди. Тумандаги спорт тадбирлари асосан ана шу мактаб спорт залида ўтиши боис, ташкилотчилик ишларида ҳам жонбозлик кўрсатади. Бундан ташқари, тасвирий санъат, ўймакорлик тўгаракларида ёш авлоднинг ижодкорлик қобилиятларини чархлаб, уларни ҳаётни севишга ўргатади.

**Акмал АБДИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

Намунали ташкилотда

# ФАОЛЛИКНИ ОШИРИШ ДАВРИ

***Мактабимиз шаҳардаги ибратли илм даргоҳларидан. Касаба уюшма қўмитамиз ҳам намунали деб топилган ташкилотлардан биридир. 102 нафар касаба уюшма аъзосининг 91 нафарини хотин-қизлар ташкил этади. Мақсадимиз ходимлар манфаатларини ҳимоялаш билан бирга таҳсил олаётган 1076 нафар ўғил-қизнинг баркамол бўлиб вояга етишини таъминлашдир.***

Касаба уюшмаси таркибида ташкилий; ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоя, меҳнатни муҳофаза қилиш, ҳақ тўлаш, маданий-маърифий, жисмоний тарбия, спорт ва соғломлаштириш масалалари бўйича доимий комиссиялар фаол иш олиб бормоқда.

Тадбир ва йиғилишларимизда касаба уюшмалари тизимидаги такомиллаштириш жараёнининг аҳамияти кенг тарғиб қилинмоқда. Чунки, бу ишлар бошланғич ташкилотлар ролини ошириш, мавқеини мустаҳкамлаш, бу орқали ходимлар ижтимоий ҳимоясини кучайтириш билан бевосита боғлиқ эканлиги жамоамизни беҳад қувонтирди.

Шу ўринда якунланган йилдаги фаолиятимизнинг айрим жиҳатларига қисқача тўхталсам. «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида ўтказилган тадбирлар натижасига кўра мактабимизга шаҳар бўйича биринчи ўрин насиб этди. Шунингдек, «Тақдиримсан, бахтимсан эркин ва обод Ватан!» шиори остида ўтказилган миллатлараро фестивалда ҳам муваффақиятли иштирок этдик. Инглиз ва немис тили фани ўқитувчиси Замира Аҳмедова «Шуҳрат» медалига сазовор бўлди. Биология фани ўқитувчиси Наргиза Тўхтаевага эса «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танловининг республика босқичида қатнашиш насиб этди.

Спорт-соғломлаштириш, эҳтиёжманд оилаларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, иқтидорли болаларнинг фан олимпиадаларида иштироки борасида ҳам сезиларли муваффақиятларга эришдик.

Янгиланиш жараёни жамоамиз ютуқларининг янада кўпайишига хизмат қилишига ишончим комил.

**Мунаввар КАРИМОВА,**
**Когон шаҳридаги**
**8-умумтаълим мактаби**
**касаба уюшма қўмитаси раиси**

***Олтинсойнинг донгдор одамлари каби машҳур қишлоқлари ҳам кўп. Шулардан бири Хўжасоат бўлса, иккинчиси Жобидир. Ширали майизи билан донг таратган Хўжасоат довруғи шу заминда камолга етган Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоғай Мурод туфайли яна ҳам бўй чўзди. Ўзининг бетакрор асарлари билан нафақат туғилиб ўсган макони, балки бир сўзли, танти, жўмард одамларини ҳам юртга танитди.***

# ЖОБИНИНГ



Жоби тарихи ва мавқеи жиҳатдан Хўжасоатдан кам эмас. Ана шу катта қишлоқ замирида бугун «Жоби» ва «Жоби-1» маҳаллалари ташкил этилган. Ҳудуддаги 750 та хонадонда 4800 нафар аҳоли истиқомат қилади. Жобиликлар меҳнаткаш, меҳмондўст, уддабурон ва тадбиркор халқ. Янгиликка қизиқувчан, маърифатли, илм-фанга ўч.

Олтинсойда, умуман, Сурхондарёдаги корхоналарда Жобидан етишиб чиққан кадрлар анчагина. Жумладан, туманнинг қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими раҳбари Музаффар Қаршиев, тиббиёт бирлашмаси бош врачи Муртазо Раҳмонов, молия бўлими бош назорат тафтишчиси Нуриддин Жумаев, маорифчилар сардори Бахтиёр Юсупов, «Агробанк» туман филиали бошқарувчиси Дилмурод Холматов, фан номзоди, марҳум Маматқул Сатторов, вилоят ИИБ бошлиғи ўринбосари вазифасида узоқ вақт ишлаган Абдухолиқ Каримов, вилоят ҳарбий комиссариатига раҳбарлик қилган Қаюм Жумаев ва бошқалар Жобида вояга етган.

Ҳар бир қишлоқнинг маслаҳатгўй, изидан одамларни эргаштира оладиган оқсоқоли бўлади. Жоби ҳам ўзининг кайвониси билан файзли. Олтмиш беш ёшни қаршилаб, кексалик гаштини сураётган Абдураҳмон Аҳматовни кўпчилик қишлоқнинг ори, виждони деб таърифлайди. Тўғрисўз, ёшларнинг насиҳатгўйи бўлган бу отахонни барча бирдек ҳурмат қилади. Бирор киши сўзини синдирмайди, маслаҳатини ерда қолдирмайди. Чунки унинг ўзи ҳам, иши ҳам, тарбиялаган фарзанди-ю оиласи ҳам элга ибрат.

Шу боис ҳамқишлоқлари бирор иш бошлашдан олдин ундан маслаҳат сўрашади. У ўз даврида «Ширин» жамоа хўжалигида қурилиш бригадасини бошқарган, элнинг яхши-ёмон кунида елкадош бўлган.

Етти ўлчаб бир кесадиган оқсоқол деҳқонгами, раҳбаргами, зиёлигами амалидан, вазифасидан қатъи назар бир хил муносабатда бўлади.

Қишлоқ аҳолиси ҳозиргача Хўжаипок каналидан сув ичади. Ариққа ҳеч ким чиқинди ташламайди, аёллар мағзава тўкмайди. Буни қарангки, бир қизалоқ эътиборсизлик қилиб, озгина чиқиндини ариққа оқизаётганини оқсоқол кўриб қолган. Шунда маҳалла аҳлини тўплаб, хонадон соҳибини кўпнинг ичида изза қилган. Шу-шу ҳеч ким бу ишни такрорламайди.

Абдураҳмон ота элга ҳар томонлама ўрнак. Икки гектарлик узумзорида ёзу қиш

# СЎРАГАН ЭДИНГИЗ



**Савол: 2004 йилда қўшни вилоятга келин бўлиб тушдим. Лекин турмуш ўртоғим билан никоҳимиз ФҲДЁ бўлимида қайд этилмаган. Ҳозирда 2 нафар фарзандимиз бор. Никоҳимизни расмийлаштириш учун қайси ФҲДЁ бўлимига мурожаат этишимиз керак?**

**И. ХОШИМОВА, Тошкент шаҳри**

**Жавоб:** Оила кодексининг 13-моддасида: «Никоҳ фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида тузилади. Диний русумларга биноан тузилган никоҳ ҳуқуқий аҳамиятга эга эмас. Никоҳ тузиш никоҳланувчиларнинг фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларига ариза берганларидан кейин бир ой ўтгач, шахсан уларнинг иштирокида амалга оширилади. Узрли сабаблар бўлганда фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органи бир ой ўтгунга қадар никоҳ тузишга рухсат бериши мумкин», — дейилган.

212-моддада эса: «Никоҳни қайд этиш никоҳланувчи шахслардан бирининг яшаш жойидаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари томонидан амалга оширилади», — деб белгиланган.

Никоҳга киришни хоҳловчилар ариза бериш чоғида:

- ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар;
- илгари никоҳда бўлган шахслар эса, аввалги никоҳ тугатилганлиги ҳақидаги ҳужжатлар;
- болаларнинг туғилганлиги ҳақидаги гувоҳномалар;
- ФҲДЁ бўлими архивининг ариза берувчининг яшаш жойи бўйича никоҳ тузилганлиги ҳақида далолатнома ёзуви йўқлиги ҳақида маълумотнома тақдим этиши лозим.

**Савол: Фарзандим 2008 йилда туғилган. Бироқ турмуш ўртоғим билан қонуний никоҳни расмийлаштирмаганлигимиз сабабли унга туғилганлик ҳақида гувоҳнома олганимиз йўқ. Ҳозирда туғилганлигини қайд эттириш учун қандай ҳужжатлар тақдим этишимиз лозим?**

**Х. МАҲМУДОВА, Фарғона шаҳри**

**Жавоб:** Оила кодексининг 205-моддасида болаларнинг туғилишини қайд этиш мажбурий бўлиб, болалар туғилган жойдаги ёки ота-онадан бирининг доимий яшаш жойидаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органида бир ой муддат ичида амалга оширилиши лозим деб белгиланган.

Вазирлар Маҳкамасининг 12.04.1999 йил 171-сонли қарори билан тасдиқланган «Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш Қоидалари»нинг 16-бандида ушбу муддатнинг ўтиб кетганлиги туғилганликнинг қайд этилишига тўсқинлик қила олмаслиги таъкидланади. Яъни бола 16 ёшга тўлгунча мурожаат этилган ҳолларда жараён умумий асосларда амалга оширилади. Бола бир ёшга тўлганидан сўнг, унинг туғилганлиги ота-онасидан бирининг доимий яшаш жойида қайд этилади ва заруратга қараб қўшимча равишда қуйидаги маълумотномалар талаб қилиниши мумкин:

- боланинг соғлиги тўғрисида участка педиатридан маълумотнома;
- мактабгача таълим муассасаси ёки мактабдан у ерга қабул қилинганлиги тўғрисида маълумотнома;
- тегишли ФҲДЁ архивидан ушбу болага нисбатан туғилганлик ҳақида далолатнома ёзуви қайд этилмаганлиги тўғрисида маълумотнома.

Агар бола туғруқхонадан ташқари жойларда туғилган бўлса ва ушбу ҳолатда бир ёшга тўлгандан сўнг туғилганлик қайд этилган тақдирда, қўшимча равишда ФҲДЁ органига бола туғруқхонадан ташқари жойларда туғилганлигини тасдиқловчи далолатнома ҳам тақдим этилади.



**Саволларга Андижон туман ФҲДЁ бўлими мудираси Мухтасар ТЎРАЕВА жавоб берди**

***Президентимизнинг «Автомобил транспортида йўловчилар ташиш соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида турларини амалга оширишни тартибга солиш тўғрисида»ги Қарори транспорт воситаларини йўловчи ташиш учун лицензиялаш, ҳайдовчилар тажрибасини баҳолашда муҳим ҳужжат сифатида хизмат қилмоқда.***

# ЛИЦЕНЗИЯСИЗ, ДЕМАК...

Унга асосан транспорт воситаларининг мажбурий техник кўрикдан ўтказилиши, фойдаланиш меъёрлари ва қоидаларига риоя этилиши устидан солиқ идоралари томонидан ҳам назорат ўрнатилган.

Хоразм вилоят давлат солиқ идоралари ходимлари ўтган йили 302 та назорат тадбири ўтказган бўлиб, йўловчилар ташийдиган автотранспорт воситаларининг техник кўрикдан ўтмаганлиги, шунингдек, фойдаланишга яроқсиз эканлиги, ваколатли органлар томонидан лицензия беришнинг белгиланган талабларига риоя қилинмаётгани каби 438 та ҳолат аниқланган. Ҳуқуқбузарларга нисбатан 154713,5 минг сўм миқдорида маъмурий жарималар қўлланилган.

Тегишли идоралар билан ҳамкорликда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, уларнинг келиб чиқишига сабаб бўлаётган омилларни ўрганиш ҳамда кенг жамоатчилик ўртасида тушунтириш ишлари олиб бориш бўйича тадбирлар ўтказилмоқда.

**Қудрат ЭГАМБЕРГАНОВ, вилоят Давлат солиқ бошқармаси бўлими бошлиғи**

## Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг «ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЖУРНАЛИСТИ – 2012» танловига марҳамат!

Ҳурматли ҳамкасблар!

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси сизларни «Йилнинг энг фаол журналисти — 2012» республика танловида қатнашишга таклиф этади.

Танловга 2012 йилнинг 1 июнидан 2013 йилнинг 1 июнигача газета ва журналларда, интернет нашрларида эълон қилинган материаллар, эфирга узатилган телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар қабул қилинади.

Материаллар танловга таҳририят тавсияси билан Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўлимлари орқали жорий йилнинг 5 июнигача муаллифнинг иш жойи, телефони, манзили ҳақидаги маълумотлар ва паспорт нусхаси илова қилинган ҳолда тақдим этилиши лозим.

«Йилнинг энг фаол журналисти — 2012» танлови ғолиблари ва совриндорларига диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунига бағишлаб 27 июнда ўтказиладиган байрам тадбирида топширилади.

Материаллар «Йилнинг энг фаол журналисти — 2012» танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

**100129, Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси, 30-уй.
Ўзбекистон Журналистлари
ижодий уюшмаси
3-қават, 30, 35-хоналар.
Телефонлар: 244-64-61;
244-64-62; 244-37-87.
www.Journalist.uz**

Билиб қўйган яхши

# СОЛИҚ СОҲАСИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

***Президентимиз 2012 йил 25 декабрда «Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» Қарор қабул қилди.***

Унда солиқ соҳасига ҳам жиддий эътибор қаратилган бўлиб, жумладан, ушбу Қарорга асосан аҳоли даромадлари ва харид қобилиятини ошириш мақсадида 2013 йилнинг 1 январидан бошлаб, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг қуйи шкаласи бўйича солиқ ставкаси 9 фоиздан 8 фоизга туширилди. Солиқ ставкаси энг кам иш ҳақининг йил бошидаги миқдоридан келиб чиқиб қўлланилишини назарда тутувчи янги норма киритилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги «Солиқ ва бюджет» сиёсатининг 2013 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги, шунингдек, солиқ ҳисоботини тақдим этиш даврийлигининг қисқартирилиши муносабати билан «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ- 343 - сонли, ЎРҚ- 345 - сонли қонунлари билан Солиқ кодексига ҳам қатор ўзгартиш, қўшимчалар киритилди.

Ушбу ўзгартиш ва қўшимчалар 2013 йилги «Солиқ ва бюджет» сиёсатининг асосий йўналишларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида қўлланиладиган айрим меъёрлар билан Солиқ кодекси меъёрларини бирхиллаштиради ҳамда кодекс нормаларининг тўғридан-тўғри амал қилишини таъминлайди. Солиқлар ва бошқа тўловлар бўйича ҳисоб-китобларни тақдим этиш даврийлигини қисқартириш ҳамда соддалаштириш мақсадида Солиқ Кодексининг 29 та моддасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Мазкур Кодекснинг 266-, 267- моддаларига киритилган ўзгартиришлар юридик шахслар учун мол-мулк солиғини ҳисоблашда солиқ солиш объектидан ва базасидан номоддий активларнинг чиқарилишини назарда тутади. 91-моддага киритилган ўзгартиришга биноан давлат солиқ хизмати органи режали солиқ текшируви ўтказишнинг бошланиши ҳақида текширувни ўтказиш бошланишидан камида ўттиз календар кун олдин тадбиркорлик субъектини (текширувдан ўтказиш муддатлари ва предметини кўрсатган ҳолда) ёзма шаклда хабардор қилиши шарт. Тадбиркорлик субъекти белгиланган тартибда тақдим этган молия ва солиқ ҳисоботи, тадбиркорлик субъекти фаолияти тўғрисида давлат солиқ хизмати органида мавжуд бўлган бошқа ҳужжатларни ўрганиш, таҳлил этиш асосида ўтказиладиган камерал назорат натижаларига кўра, қоидабузарликлар аниқланган ҳоллардагина давлат солиқ хизмати органлари тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини текшириш ташаббуси билан чиқиши мумкин.

Солиқ кодексининг 176-, 179- моддаларига киритилган ўзгартишга асосан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин оилавий корхона иштирокчиси ихтиёрида қоладиган фойда суммаси жисмоний шахсларнинг мулкий даромадлари таркибига киритилиши ва жисмоний шахсларнинг даромади сифатида солиққа тортилмаслиги, шунингдек, 351-моддасига киритилган ўзгартишга кўра, оилавий корхоналар ягона солиқ тўловини тўловчилар ҳисобланиши белгилаб қўйилди.

**Шарофат НОРҚУЛОВА, «Ishonch» мухбири**

# ТАДБИРКОР ОДАМЛАРИ

қўлидан кетмон тушмай меҳнат қилади. Натижа ҳам чакки эмас. Ҳар мавсумда 45-50 миллион сўм даромад олади. Меҳнати ортидан «Нексия» машинаси минди, ҳаж сафарига борди.

Жобининг хотин-қизлари миллий либосда юришни ёқтиришади. Оқсоқол бундан хурсанд. Ахир шарм-ҳаё кийинишдан бошланади-да.

— Абдураҳмон ота яхшиликка интилиб, ҳамиша эзгуликни соғиниб яшайди, — дейди Жоби маҳалла фуқаролар йиғини раиси Баҳодир Жўрақулов. — Шу боис у киши маҳалламизнинг яраштириш комиссияси раиси. Бирор хонадонда нотинчлик бўлса, унинг аралашуви билан жанжал барҳам топади. Кўча, ҳовлиларнинг тозалиги учун курашади. Авваллари азадорлар уйидаги тадбир узоқ давом этарди. Абдураҳмон отанинг уринишлари билан қисқарди. Тўйлар ҳам камчиқим ўтмоқда. Кўз тегмасин, яқин икки йил ичида маҳалламизда бирорта ҳам жиноят содир этилмади. Ҳамма меҳнат билан банд, аҳил яшамоқда.

Билсангиз, ҳар бир қишлоқнинг ўз совчибошлари бўлади. Жобида ўғил уйлантирадиган ота-она борки, кўзлари остига олган қизникига совчиликка Абдураҳмон оқсоқол боришини ният қилишади. Чунки, отахон етти ўлчаб бир кесади. Тўй харажатларини ҳам ўша оиланинг шароити, имкониятидан келиб чиқиб белгиланади. Ҳеч кимга оғирлик тушишини истамайди. Қисқаси, «Суюнчи» филмидаги Анзират бувидек «ҳамманинг ишига аралашаверадиган» Абдураҳмон оқсоқол ҳақиқатан ҳам Жобининг оригa айланган.

Жобида томорқасидан миллион-миллион сўм даромад олаётган оилалар анчагина. Айниқса, кейинги пайтларда қишлоқ одамлари орасида иссиқхона қуриб, лимон, мандариндан ташқари помидор, бодринг, булғор қалампири, бақлажон етиштиришга қизиқувчилар жуда кўпайиб бораяпти. Масалан, ишбилармон Нарзулла Маматқулов ҳовлисининг бир четида барпо этган мўъжазгина иссиқхонада етиштирилган маҳсулотдан 7 млн. сўм фойда олди.

Адирликдаги лалми ерларда зиғир, буғдой етиштириб, рўзғорлари фаровонлигини таъминлаётганлар ҳам кўпчиликни ташкил қилади. Мисол учун, рус тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Юнус Жумаев лалми ердан 5 тонна, Чори Отамуродов 3 тонна буғдой йиғиштириб олишди.

Қишлоқ аҳли хонадонларида қорамол, қўй-эчки, товуқ боқиб, ҳам рўзғорини тўкин, ҳам бозорларни гўшт, сут, тухум билан таъминлаб келишмоқда.

30 оила ўтган йил янги типдаги, замонавий меъморчилик андозаларига мос уй қуришди. Маблағнинг рўзғордан ортгани йўлларни ободонлаштириш, қабристонларни тартибга келтириш, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлашга ажратилмоқда. Тадбиркорлик туфайли фаровон турмуш кечираётган қишлоқнинг 150 та хонадонида Асака шаҳрида ишлаб чиқарилаётган автомашиналар бор.

Жобиликлар илм-фанга ҳам ташна. Улар замонавий билим чўққиларини эгаллаш, юртнинг корига ярайдиган етук кадрлар бўлиб етишиш йўлида ўқиб-изланишмоқда. Мактабда инглиз, рус, она тили, тарих, информатика, физика, география фанлари чуқурлаштирилган ҳолда, янги педагогик технологиялар асосида ўқитилмоқда. Устозлар меҳнати беҳуда кетмаяпти. Ҳар ўқув йилида 10-15 нафар ёшлар олийгоҳларга кираётир.

Жобиликлар уй қуриш учун четдан уста излашмайди. Қишлоқнинг Усмон Отамуродов, Абдураҳмон Тошбоев, Ўрол Ғафуров, Абдулла Чориев каби чапдаст усталари иморатнинг пойдеворидан бошлаб калитини топширишгача бўлган ишларни уддалашади. Усталарнинг ҳар бири йилига ўнлаб уйларни битказаяпти. Диққатга сазовор жиҳати шуки, улар ўзлари билан 15-20 нафар ёшни бирга олиб юриб, ҳам ҳунар ўргатишади, ҳам ишли қилишади. Бунёдкорлар қураётган бинолар бежиримлиги, замонавийлиги билан ажралиб туради. Шу боис Денов, Шўрчи, Қумқўрғон туманларида ҳам уларнинг кўплаб мижозлари бор.

Жобига қадам қўйишингиз билан ўзингизни мўъжазгина шаҳарчага келиб қолгандай ҳис этасиз. Қишлоқ марказида бозорча. Аҳоли рўзғоридан ортган хўжалик маҳсулотларини расталарга чиқаришади. Муҳаммадраҳим Аҳматовнинг қассобхонаси, Азамат Мелимаматовнинг сартарошхонаси ва этикдўз Шуҳрат Мардоновнинг устахонаси ҳам ҳамиша мижозлар билан гавжум. Тадбиркорлар Қаюм Бўриев, Муҳаммади Эшмуродовнинг хусусий дорихонаси ва яхна ичимликлар, музқаймоқ сотадиган дўконлари эл хизматида. Моҳир чевар Фарида Сафарова очган тикувчилик цехида бир гуруҳ аёллар ишлайди. Тажрибали шифокор Х. Рустамова раҳбарлигидаги «Жоби» ҚВПси шифокорлари эл саломатлигига камарбаста.

Аҳоли ва фермер хўжаликлари техникаси учун АЁҚШ хизмат кўрсатмоқда. Ҳунармандлар ҳам бири-биридан уддабурон. Буюртмангизни узоғи билан бир соатда тайёрлаб, дилингизни хушнуд этишади.

Ёши саксондан ошган Ибодулла уста Ҳайдаровни нафақат қишлоқ, балки туманда ҳам ҳамма билади. У ҳунарининг ортидан обрў топди, уйлар қурди, тўйлар қилди. Узоқ йил темирчилик билан умргузаронлик қилган уста ҳунарини ўғиллари Шоймардон, Холмурод ва невараларига ўргатган. Шогирдлари ҳам бир талай.

Хуллас, тадбиркор, ишбилармон жобиликлардан ҳар қанча ўрганса арзийди.

**Рустам ДАВЛАТОВ, «Ishonch» мухбири**

Реклама ва эълонлар

**«Navoiy mulk markazi» MCHJ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

I. Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.12.2009 йилдаги 343-сонли қарорига мувофиқ, Навоий вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармасининг 24.12.2012 йилдаги 05-19.01/1943-сонли хатига асосан, Навоий шаҳар, А.Темур кўчаси 3-уйда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда.

1. «Дамас» русумли, 1997 йил и/ч, д/р 21 АВ 452 бўлган автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси — 3 612 000 сўм.**
2. «УАЗ-3962» русумли, 1995 йил и/ч, д/р 21 AD 156 бўлган автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси — 1 278 000 сўм.**
3. «ГАЗ-32214» русумли, 2001 йил и/ч, д/р 21 АС 840 бўлган автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси — 5 118 000 сўм.**

II. Қизилтепа туман, Шифокор кўчаси 1-уйда сақланаётган, «Дамас» русумли, 1997 йил и/ч, д/р 85 591 ЕАА бўлган автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси — 4 035 000 сўм.**

III. Хатирчи туман Янгиробод шаҳар, Навоий кўчаси 56-уйда сақланаётган: 1. «Дамас» русумли, 1999 йил и/ч, д/р 85 768 ААА бўлган автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси — 3 930 000 сўм.** 2. «УАЗ-3962» русумли, 1996 йил и/ч, д/р 21 АА 032 бўлган автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси — 1 094 000 сўм.**

IV. Конимех туман, У.Юсупов кўчаси 24-уйда сақланаётган: 1. «ВАЗ-2121» русумли, 1987 йил и/ч, д/р 85 140 FAA бўлган автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси — 1 525 000 сўм.** 2. «УАЗ-3962» русумли, 1995 йил и/ч, д/р 85 138 FAA бўлган автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси — 1 185 000 сўм.**

Савдо 2013 йил 13 март куни соат 10:00да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2013 йил 11 март куни соат 18:00.

**Автотранспорт воситалари 2013 йил 13 март куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдо 2013 йил 15 апрел куни соат 10:00 да бўлиб ўтади.** Такрорий савдо учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2013 йил 12 апрел куни соат 18:00.

Савдо ғолибига 10 иш куни ичида тўловларни тўлиқ амалга ошириш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, АТ «Ипотека банк» Навоий ф-лидаги: 20208000704943164001, МФО: 00205, СТИР: 302132768 х/рга.

Савдо ўтказиладиган манзил: Навоий шаҳар, П.Очилов кўчаси 24-уй. Тел: (8-436) 224-64-31. Гувоҳнома: 006231 www.rmm.uz

**Хизматлар лицензияланган**

**«Respublika mulk markazi» ЁАЖ Пойтахт филиали қуйидагиларни маълум қилади!**

«RMM» ЁАЖ Пойтахт филиали фаолият кўрсатаётган манзилини Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Истиқбол кўчаси 34-уйга кўчирди. Аукцион савдоларини ўтказиш ва аукцион савдоларида иштирок этиш учун ҳужжатларни қабул қилиш ушбу манзилда амалга оширилади. Тел: (8-590) 943-40-53. Филиалнинг янги телефони тўғрисида қўшимча равишда маълумот берилади. www.rmm.uz Гувоҳнома: 006231.

**Хизматлар лицензияланган**

«Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгашининг 2012 йил 12 декабрдаги конференцияси қарорига асосан шаҳар кенгаши ўз фаолиятини тўхтатади.

**Шикоят ва аризалар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой муддат давомида қабул қилинади.**

**Тошкент автомобил йўллари институти томонидан Латипов Мирвосил Мирсодикович номига 1999 йил берилган В№ 008533 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.**

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Низомий номидаги ТДПУ ректорати ва касаба уюшма қўмитаси университетнинг II-бўлим бошлиғи Ҳикмат Ғуломовга турмуш ўртоғи **Машҳура ҒУЛОМОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Низомий номидаги ТДПУ ректорати ва касаба уюшма ташкилоти «Ўзбекистон демократик жамияти қуриш назарияси ва амалиёти» кафедраси профессори Қурбон Мўминовга турмуш ўртоғи **Қалина НУРГОЗИРОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.



# ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ МАСКАНИ

***Андижон шаҳридаги вилоят ахборот-ресурс маркази замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ҳудуд аҳолисининг интеллектуал, билим олиш, таълим, маънавий-маърифий ва маданий эҳтиёжларини қондириб келмоқда.***

Тўқсон мингдан зиёд китоб фонди, даврий матбуот нашрлари, электрон қўлланма ва дарсликларни ўзида жамлаган марказ доимо ёшлар билан гавжум. Интернет тармоғига уланган компютерлар ёшларга замонавий ахборот маконини мунтазам кузатиб бориш имконини бераётир.

***Суратда: (ўнгдан) ахборот-ресурс маркази ходими Нилуфар Мамажонова ва Андижон ижтимоий-иқтисодиёт коллежи ўқувчиси Муниса Расулова.***

**Хурсандбек АРАББОЕВ (ЎзА) олган сурат**

Алишер Навоий таваллудининг 572 йиллигига



***Инсон шуурига муҳрланиб қоладиган ҳикматлар кўп. Улар ўқувчига маънавий озуқа беради, руҳини юксалтиради. Алишер Навоий асарларини ўқиган одам ана шундай туйғуларни бошдан кечиради. Хусусан, шоир «Насойим ул-муҳаббат»да кўплаб улуғ зотларнинг ҳаёт тарзи, ноёб инсоний фазилатлари, дунёқараши хусусида қисқа, аммо жуда нодир маълумотларни келтиради. Ўрни келганида ўша улуғ зотларнинг ҳикматларини эслаб ўтади. Навоий Абу Амр Нужайд (қ.с.)ни зикр этиб ёзади: «Унинг сўзидирки, «сукут сўзга нисбатан таъсирлироқ ва тез етиб боради». Яна у дебдирки, «кимга нафси азиз туюлса, дини хор кўринади». Албатта, бундай мулоҳазалар одамни сукутга ўргатади, нафсини тарбиялашга, ўзига назар солишга ундайди.***

# КЎЗ ИЛДИЗИ КЎНГИЛДА

## ёки тафаккур дарси

Китобнинг бошқа бир саҳифасида «Ориф ким?» деган саволнинг жавоби келади: «Ориф қалбини мавлосига, жасадини халқига бағишлаган кишидир». Орифнинг кўнглини Яратгувчи ўз нури билан ёритади; ориф У зотга бўйсунади, айни чоқда, дунёдан узилмайди, гўё ер юзида абадий қоладигандек бутун вужуди билан ишлайди. Бу бизга ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанднинг «Дилба ёр-у дастбакор» – «Дилинг Аллоҳда, қўлинг ишда бўлсин», деган ҳикматини эслатади. Улуғ зотлардан бири айтадики: «Мунтазам нафсга хилоф иш қилиш баракадир. Ҳаётимда бир марта унга бир қадам ҳамроҳлик қилдиму йиллар давомида бунинг жабрига чора топа олмадим». Нафсни ўз эркига қўйиш, нафс қутқусига, ҳою ҳавасларга берилиш, унга ҳамроҳу ҳамқадам бўлиш оқибатида одамнинг ризқидан, оиласи ва умридан барака кўтарилади. Бир нафас нафснинг йўриғига юрган одам устига ёғилган балоларни ўзидан кетказиш учун йиллар давомида тавба ва тақвони кучайтириши лозим бўлади.

Алишер Навоий «Насойим ул-муҳаббат»да жуда ибратли ҳикоят ва ривоятларни, ўзига хос «хориқул одат» зотларнинг кароматларини қаламга олади. Бир ўринда Бобо Пирий деган девонатабиат кишини эслайди. Унинг жазбалари ҳаддан ташқари кучли бўлиб, кўп ҳолларда у борлиқни унутиб, теграсидаги воқеа-ҳодисаларни назарига илмайди. Бу зотнинг ғалати бир одати бор: одамларни жуда ёмон сўзлар билан ҳақоратлайди. Шу сабаб халойиқ ундан ўзини узоқ тутади. Алишер Навоий ҳам Бобо Пирий масканига яқин келганда, йўналишини бошқа кўчага буриб, гарчанд бир оз узоқроқ бўлса ҳам, ўз манзилига айланма йўл орқали кетади. Бу ҳолатни бир неча бор кузатган ҳамроҳи Навоийдан: «Ҳазрат, ҳар доим Бобо Пирийнинг манзилига етганда, йўлни бошқа томонга буриб кетасиз. Бобонинг олдидан ўтмайсиз, бунинг сабаби нима?» деб сўрайди. Шунда Навоий: «Бобо Пирий жуда адабсиз сўзлар билан одамларни сўкади, ҳақоратлайди, менга шу қилиғи-хулқи хуш келмайди. Унинг фаҳш сўзларини эшитишни истамаганим учун йўлни бошқа томонга бураман», дейди. Шунда ҳамроҳи: «Айтишларига қараганда, Бобонинг кароматы бор эмиш. Яхшиси, бир унинг ёнидан ўтиб кўринг-чи. Агар кароматы рост бўлса, сизга беадаблик қилмагай», деб Навоийни имтиҳон йўлига бошлайди. Алҳосил, бир куни Навоий Бобо Пирийнинг олдидан ўта бошлайди. Буни қарангки, ҳазрат Алишер Навоийни кўрган Бобо Пирий бирорта беадаб сўз айтмайди. Табиийки, нигоҳлар учрашади ва бир лаҳзалик сукутли суҳбат содир бўлади. Бобо кўнгил кўзи билан тоза иймон дарёсининг мавжларини кўради. Кундалик одатига тескари ўлароқ қўли кўксида, тавозеъ ва ним табассум билан Алишер Навоий ҳақига дуолар қилиб қолади...

Бу воқеа одамни тафаккурга йўллайди. Алишер Навоийдек улуғ шоир қалбини, маънавий оламини бирваракайига ҳаммани бўралаб сўкадиган Бобо Пирий ҳис қилади. Сўконғич тили Ҳазрат қошида дуога мубаддал бўлади. Кўнгил кўнгил билан сирлашади; маънавий ришталар ичу ташдан боғланади; нурлар туташади, руҳлар дийдорлашади, диллар ғойибона гурунглашади. Ҳаммани ҳақоратлайдиган сўконғич девона беҳушлик, ақлсизлик, нодонлик манзилидан дуогўйлик мақомига кўтарилади.

Баъзан тош қотган юрак, сўфинақш зиёлимонанд нафс бандалари эса инсон кўнглини англамайди. Дўст кўнгли билан ҳисоблашмайди. Зотан манфаатлар тўқнашган, нафс жилови қўлдан чиққан, кўзлар ўғринча ўйноқлаган муҳитда кўнгил қораяди. Оралиқда ҳайбатли деворлар пайдо бўлади. Юракни ваҳшат булути қоплайди.

Гоҳида одам одамни англамайди, англашни истамайди. Ҳолбуки, кўз кўнгилдан, кўнгилдаги иймон булоғидан сув ичсагина одамнинг назари тирилади. Аслида, кўз илдизи кўнгилда бўлади...

Алишер Навоийнинг олий даргоҳида бундай тафаккур дарслари узлуксиз давом этажак.

**Баҳодир КАРИМ,**
**филология фанлари доктори,**
**профессор**

Футбол



***«Пахтакор» марказий стадионида Ўзбекистон ҳамда Гонконг миллий терма жамоалари ўртасидаги «Осиё кубоги – 2015» мусобақасининг илк саралаш учрашуви ниҳоясига етди. Қизиқарли кечган баҳсда 0:0 ҳисоби қайд этилди.***

# ОМАД КЕЛМАСА, ҚИЙИН ЭКАН

Айтиш керакки, ўйин тўлалигича вакилларимизнинг устунлиги остида ўтди. Футболчиларимизда дарвозани ишғол қилиш учун бир неча имкониятлар бўлди. Аммо, тўп дарвоза тўрига тушишни истамади.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Футболда энг ҳаяжонли лаҳзалар имкониятлар яратиш, хавфли вазиятларни юзага келтириш билан бошланади. Лекин ушбу ўйинда ана шу вазиятларни голга айлантириш масаласини ҳал қиладиган ҳақиқий ҳужумчи йўқлиги билиниб қолди.

Яна бир қизиқ жиҳат. Рақибларимиз ўйиннинг 56-дақиқасидан бошлаб ўн киши бўлиб ҳаракат қилишди. Лекин бу устунликдан ҳам футболчиларимиз фойдалана олмадилар.

Вакилларимиз жой олган «Е» гуруҳининг иккинчи учрашувида Бирлашган Араб Амирликлари ҳамда Ветнам миллий терма жамоалари майдонга тушдилар. Меҳмонда 1:2 ҳисобида ғалабани қўлга киритган амирлик футболчилари гуруҳ пешқадамига айланишди.

# ЎРТАГА КУБОК ТИКИЛГАН

Ўзбекистон Профессионал футбол лигаси кубоги учун ўтказилаётган учрашувларда ўн жамоа икки гуруҳга бўлинган ҳолда ғолиблик учун курашмоқда. Ўз гуруҳида дастлабки икки поғонани эгаллаган жамоалар кейинги босқичга йўл олади.

«А» гуруҳидаги биринчи учрашувда «Олмалиқ» футболчилари «Локомотив» жамоаси дарвозасига жавобсиз тўртта тўп киритди. Гуруҳдаги яна бир баҳсда «Қизилқум» (Зарафшон) билан куч синашган «Пахтакор-2» футболчилари 1:1 ҳисобидаги дурангга имзо чекдилар.

«Б» гуруҳида «Бунёдкор»нинг ёш футболчилари «Локомотив-БФК» вакилларини 5:1 ҳисобида мағлубиятга учратди. «Андижон» ва «Машъал» баҳсида эса муборакликлар 2:0 ҳисобида ғалаба қозонди.

Мусобақа давом этмоқда.



Бокс

***Қирғизистонда бокс бўйича халқаро турнир якунига етди. Унда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган вакилларимиз уч олтин ва икки бронза медалини қўлга киритдилар. Мусобақада ўнга яқин мамлакатдан ташриф буюрган 190 дан ортиқ чарм қўлқоп устаси ғолиблик учун рингга кўтарилди.***

# УЧ ОЛТИН, ЖУФТ БРОНЗА

Боксчимиз Азизбек Абдуғофуров (75 кг.) Абуязид Угурчиев, Рустам Сваев, Улуғбек Ғиёсов, Александр Бахров ва финалда Абзал Куттибековни мағлубиятга учратиб, олтин медални қўлга киритди.

81 кг. вазн тоифасида ёш боксчимиз Зуҳриддин Маҳкамов ҳам барча рақибларидан устун келиб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

91 кг.дан юқори вазнли боксчилар ўртасида ҳамюртимиз Иззатулло Эргашев хитойлик Аблат Абдухамад, қозоғистонлик Ерлан Мошкалов ҳамда Игор Шанин қаршилигини синдириб, мусобақа ғолиби бўлди.

Нурсултон Нишонбоев ва Мирзобек Ҳасанов эса бронза медалларини ғазнамизга қўшиб қўйдилар. Юртимиз йигитларига умумжамоа ҳисобида иккинчи ўрин насиб этди.

**Адҳам АРСЛОНОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

Мулоҳаза

# ДАҲОЛАР ҚАНДАЙ ТУҒИЛАДИ?

***Номлари тарих саҳифаларига ўйиб ёзилган, қилган ихтиро ёхуд кашфиёти инсоният тамаддуни, онгу шуурида бурилиш ясаган, яратган асарлари жаҳон дурдонаси олтин хазинасига айланган кишилар ҳақида ўзгача ҳавас ва ҳайрат билан сўз юритамиз. Гўё улар даҳо бўлиш учун туғилгандек, ҳатто даҳо бўлиб туғилгандек туюлади бизга. Аслида-чи? Кўпчилигининг ота-оналари, устоз-мураббийлари бир кун келиб улардан олиму фузало чиқишига умуман ишонишмаганини эшитиб, ёқа ушлагудек бўламиз.***



Масалан, Чехов 8 йиллик мактабни 11 йилда тугатган. Ўша мактабда у ўтирган парта ҳали ҳам сақланади. Унда ҳақоратли сўзлар ўйиб ёзилганки, бу Чеховнинг одоб-ахлоқи ҳақида муайян хулоса чиқаришга асос бўлади. Бироқ 17 ёшида у ҳаёт тарзини бутунлай ўзгартирди ва алал оқибат дунё тан олган ёзувчига айланди.

Машҳур эртакнавис Ханс Кристиан Андерсен ҳам ёмон ўқигани учун ўқитувчиларидан калтак еган. Нисбийлик назарияси асосчиси Альберт Эйнштейннинг таржимаи ҳолидан воқиф бўлганлар у қандай қилиб Нобел мукофотини қўлга киритиш даражасига етганидан ҳайратга тушишлари мумкин. Сабаби у болаликда синфдаги энг қолоқ ўқувчилардан бўлган. Бундан ташқари, тили кеч чиққани боис қийналиб гапирган ва нутқи яхши ривожланмаган.

Элементлар даврий жадвалини тузган Менделеев эса айнан кимё фанидан имтиҳон топшира олмагани учун муттасил 3 йил университет остонасидан қайтишга мажбур бўлган.

Хўш, юқорида мисол келтирганларимиз инсонлар кейинчалик ўз соҳасининг усталари даражасига етишига қандай куч таъсир этди экан?

Ҳа, янглишмадингиз. Бу, аввало, туртки! Дарҳақиқат, бутун олам тортилиш қонунининг пайдо бўлишига ҳам биргина олманинг ерга тушиши туртки вазифасини ўтаган.

Адиб ва публицист Хуршид Дўстмуҳаммад суҳбатларнинг бирида шундай хотирлайди: «Катта оилада ўсдим, 9 фарзанднинг кенжаси эдим... Тасаввур қилинг, катта оила аъзолари давра қуриб ўтиришибди, гурунг қизиган. Мана шундай оилавий гурунгларда, асосан, ёши улуғлар кўпроқ гапирадилар, кичиклар эса одоб сақлайдилар, аҳён-аҳёнда суҳбатга аралашмаса, асосан, тингловчилик вазифасини ўтайдилар. Гурунг нима – фикр алмашиш дегани, фикр алмашиш эса суҳбатга тенг қўшилиш, ўз мулоҳазаларини эмин-эркин ўртага ташлаш дегани. Кўпчиликнинг ўртасига ташланмаган ва шу тариқа тобланмаган фикр йўқ ҳисоби... Туғилажак фикрнинг муттасил ифода этилавермаслиги, эътиборсиз қолдирилавериши, айниқса, камситилиши – фикрсизликка, пассивликка, кишининг ўз қобиғига ўралиб қолишига, маҳдудликка олиб келади». Мана шундай фикрини баён этолмай, ҳеч нарсага аралашмай ўз қобиғига ўралаёзган боланинг ҳаётида кутилмаган воқеа юз беради: «Ўрта мактабни битириш кезларим шекилли, опаларимдан бирига совчилар танда қўйди, шунда отамиз раҳматли, «Сен ҳам катта йигит бўлиб қолдинг, одамларни тушунасан, бирор маслаҳат бергин-да» деб қолдилар... Шу бир оғиз гапнинг ўзи мени анчагина улғайтириб юборди».

Шу ўринда яна бир воқеани эслаб ўтсам. Оиланинг ёлғиз фарзанди, ота-онасининг эркаси бўлган йигит нима бўлади-ю отасидан бир тарсаки ейди. Илгари бунақа муносабатни кўрмаган йигит ларзага тушади. У энди атрофига, ўзини ўраб турган оламга бошқача кўз билан қарай бошлади. Бу ҳам бир туртки-да. Ҳаётимиз, тарихимиздан шу сингари ўнлаб мисолларни келтиришимиз мумкин. Вужудимиз, қалбимиз, онгимизни қалқитиб юборишга сабаб бўладиган туртки мана шундай куч-қудратга эгадир.

Яна бир жиҳат борки, усиз даҳолар даҳо бўлолмасди, десак муболаға бўлмас. Бу — меҳнат! Эйнштейн «Ютуғимнинг 90 фоизи меҳнатим маҳсулидир», дейди. Файласуф Эммануэл Кант эса «Даҳо бўлиб туғилмайдилар, даҳо бўлиб шаклланадилар», дея фикр билдирган. Машаққатли меҳнатдан чўчимай, ўзидаги камчилик ва қусурларга таслим бўлмай, иқтидорини юксалтирган кишилар эса чин маънода бошқаларга ибратдир.

Инсон жисман дунёга келиши, умргузаронлик қилиши мумкин. Бироқ ичидаги гавҳари, ботинида ухлаб ётган даҳо «туғилиши» ўзига ва атрофдагилар ишончига боғлиқ. Биз улардан айримлари ҳақида сўз юритдик холос.

**Шоҳсанам НИЁЗОВА**

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari:
Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati:
Normamat ALLAYOROV, Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV (Bosh muharrir o'rinbosari), Baxtiyor MAHMADALIYEV, Sog'indiq NIYETULLAYEV, Eson RAJABOV, Jahongir SHAROFBOYEV (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-16-68; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 94 596-02-00; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi:
133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir:
A.Qodirova
Navbatchi:
U.Ibodinov
Musahhih:
S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti - 21. 00
Topshirildi - 21. 00

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Buyurtma Г — 211 | 21503 nusxada bosildi | 1 2 3 4 5